



ЧЕГАРАЛАРИМИЗ ДАХЛСИЗЛИГИНИНГ КАФОЛАТИ



Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш — Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчидир. Фуқаролар қонунда белгиланган тартибда ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташга мажбурдирлар.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 52-моддаси.

■ Термизда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 23 йиллиги олдидан «Ватан ҳимояси — муқаддас бурч» мавзусида учрашув бўлиб ўтди.

Сурхондарё вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинларига қарашли ҳарбий қисмлардан бири ҳамда Термиз шаҳар ахборот технологиялари ва маиший хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежи ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда офицерлар, шартнома асосида хизмат қилаёт-

ган сержантлар, «Ёш чегарачилар» ҳарбий-ватанпарварлик клуби аъзолари, ўқитувчилар, ўқувчи-ёшлар иштирок этди.

Тадбирда Сурхондарё вилояти ҳокимининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ёрдамчиси Ш.Мисиров, офицер М.Жураев ва бошқалар Ўзбекистон Республикаси Конституциясида фуқароларнинг ҳуқуқ ва бурч-

лари, ҳарбий мажбуриятлари ўз ифодасини топгани Ватанимиз тинчлиги ва сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлаш, мамлакатимизни иқтисодий-ижтимоий ривожлантиришда юксак самаралар бераётганини таъкидлади.

Президентимиз раҳнамолигида профессионал миллий армиямиз шакллантирилиб, замонавий курул-яроғ, техника ва малакали ҳарбий мутахассислар билан таъминлангани, ҳарбий хизмат ва ҳарбий хизматчиларга муносабат

тубдан ўзгаргани, ҳарбий қисмлар билан таълим муассасалари ҳамкорлиги мустаҳкамлангани ёшларнинг соҳага қизиқиш ва иштирокини янада кучайтирмоқда. Ватан ҳимоясига иштиёқи баланд ўқувчи-ёшларни коллежлар қoшидаги ҳарбий-ватанпарварлик клублари ягона эзгу мақсад — мамлакатимиз мудофеа кудратини янада мустаҳкамлаш, сарҳадларимиз дахлсизлиги, халқимиз осойишталигини таъминлаш йўлида бирлаштираётди. Жумладан,

Сурхондарё вилоятининг қўшни давлатлар билан чегарадош ҳудудларидаги академик лицей ва касб-хунар коллежларида қирқдан ортиқ «Ёш чегарачилар» клуби фаолият юритмоқда.

— Таълим муассасамизда фаолият юритаётган «Ёш чегарачилар» ҳарбий-ватанпарварлик клуби жисмонан соғлом, маънан етук ёшлардан ташкил топган, — дейди Термиз шаҳар ахборот технологиялари ва маиший хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежи директори Урол Тошбоев. — Клуб аъзолари жорий йилда ўтказилган «Ёш чегарачилар» ҳарбий-ватанпарварлик мусобақасининг мамлакат босқичида биринчи ўринни эгаллади. Клуб аъзоларининг бундай ютуғида Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинларининг ҳарбий қисмларидан бири билан йўлга қўйилган ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этди.

Тадбирда «Ёш чегарачилар» ҳарбий-ватанпарварлик мусобақасининг мамлакат босқичида ғолибликни қўлга киритган Термиз шаҳар ахборот технологиялари ва маиший хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежининг «Алпомиш авлодлари» жамоаси ва бир гуруҳ фаол ўқувчиларга Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинларига қарашли ҳарбий қисм қўмондонлигининг фахрий ёрликлари топширилди.

Х.МАМАТРАЙИМОВ,
ЎЗА мухбири.

■ Шу йил 26 ноябрь куни бўлиб ўтган халқ депутатлари Наманган вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида Президентимиз барчамизга уқтирган фикр-мулоҳазалар, илгари сурилган долзарб вазифалар тараққиётимиз ва келажакимиз ҳақида чуқур ўйлаб, керакли хулосалар чиқаришимизни талаб этади.

ЗИММАМИЗДА УЛКАН МАСЪУЛИЯТ ТУРИБДИ

— Сессияда қатнашиб, Давлатимиз раҳбарининг сўзларини ҳаяжон билан тингладим, — дейди **ЎзХДП Уйчи туман кенгаши раиси Равшанбек Абдуллаев**. — Меҳр ва савимият уфуриб турган, ҳаётий ҳақиқатларга асосланган, чуқур ўйланган фикрлари қалбимдан чуқур жой олди. Айниқса, 2016-2019 йилларга мўлжалланган вилоятнинг саноат салоҳияти ва инфратузилмасини ривожлантириш бўйича махсус дастур қабул қилингани ҳақидаги хушхабарни эшитиб жуда тўлқинландим.

Нимага десангиз, киймати 5 миллиард АҚШ доллари турадиган дастур вилоятимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётини янги, юқори босқичга кўтаришда, Наманган ахлининг турмуш фаровонлигини оширишда бекиёс ўрин тутди. Энг муҳими, ана шу улкан дастур асосида 16 мингдан ортиқ иш ўрни яратилиши, фарзандларимиз доимий иш ўрнига эга бўлишини, ҳаётга, келажакка ишончи ошишини аңлатади, деб ўйлайман.

— Президентимиз нутқи чуқур мазмунли, ҳар бир ватандошимиз тақдирига дахлдорлиги билан аҳамиятли, — дейди **«Ойқиронлик пахтакор» фермер хўжалиги раҳбари Собиржон Қозоқов**. — У киши вилоятда эришилган ютуқлар, шаҳар ва қишлоқлар ободончилиги йўлидаги хайрли ишларни нақадар савимият билан эътироф этди ва айни вақтда йиғилиб қолган муаммолар, долзарб масалаларни кўрсатиб берди.

Юртбошимиз томонидан саноат корхоналарининг паст қувватда ишлаётгани, экспорт соҳасидаги ишлар қониқарсиз эканлиги, фермерликда мавжуд имконияتلардан етарли фойдаланилмаётгани, чорвачилик ва паррандачилик тармоқларида маҳсулдорлик республика бўйича энг охириги ўринга тушиб қолгани қуноқаклик билан ўртага ташланди. Бундан тегишли хулосалар чиқариб, вазифаларимизни яна ҳам ойдинлаштириб олишимиз зарур.

Уқўрғон туманидаги **«Чек» маҳалла фуқаролар йиғини диний маърифат ва маънавий ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Азиза Бойхонова** сессиядаги таассуротлари билан ўртоқлашаркан, фарзандларимиз тарбияси нақадар муҳим ва долзарб эканини таъкидлади:

— Юртбошимиз қизларни эрта узатишга ошиқмаслик кераклигини «менинг илтимосим ва талабим», дея таъкидлади. Бу илтимос ва талабни барчага етказишимизни сўради. Мен шу нарсаси имон келтирдимки, Президентимиз бутун мамлакатимиз ҳудудларини, шу қатори айнан бизнинг Наманганимиздаги ҳолу ҳаётни кўриб, билиб, қўнғилимиздаги гапларни, ўй-хаёлларни сезиб туради. Бу ҳол ҳамма қатори мени ҳам янада астойдил, янада фидойилик билан ишлашга, ёшларимиз келажак учун жон қўйдиришга ундади.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



Конституциямиз — тараққиётимиз ва фаровонлигимиз кафолати

Ҳар қандай давлат тараққиёти бевосита қонун устуворлигига боғлиқлиги ҳеч кимга сир эмас. Қонунга бўйсунган, унда белгиланган талабларга сўзсиз риоя этилган жамиятгина барқарор ривожланади. Шу маънода мамлакатимизда тинч ва осуда ҳаёт ҳукм суриши, ютуқ ва марраларимиз ортиб бориши ҳамда жамиятнинг демократия йўлидан жадал тараққий этишида Конституциямизнинг аҳамияти бекиёсдир.

► Давоми 2-бетда.

ЎЗБЕКИСТОНДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ САМАРАЛИ МЕХАНИЗМИ ЯРАТИЛГАН

■ Тошкентда «Инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш — мамлакатни демократик янгилаш ва модернизациялашнинг асосий йўналиши: Ўзбекистон тажрибаси» мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди.

Тадбир Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази томонидан БМТ Тараққиёт дастури, ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари мувофиқлаштирувчиси, Германиянинг К.Аденауэр ва Ф.Эберт номидаги жамғармалари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Адлия ва

Ички ишлар вазирликлари, Бош прокуратура, Олий суд ҳузуридаги суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот маркази, Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти билан ҳамкорликда

ташкил этилди. Унда БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссари бошқармаси, Европа Иттифоқининг Венеция комиссияси, Буюк Британия, Италия, Испания, Ирландия, Руминия, Шотландия, Хитой, Мўғулистон ва бошқа давлатлардан экспертлар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, суд ва ижро ҳокимияти органлари масъул ходимлари, фуқаролик жамияти институтлари ва дипломатик корпус вакиллари, ҳуқуқшунос олимлар, журналистлар иштирок этди.

► Давоми 3-бетда.

Жорий йилнинг 9 ойида халқ депутатлари Бухоро вилоят, туман ва шаҳар Кенгашидаги ЎзХДПдан сайланган депутатлар томонидан 86 депутатлик сўрови юборилди. Ҳозиргача уларнинг 67 таси ижобий ҳал этилди.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳида 17 масала, доимий комиссияларда 3 масала кўриб чиқилди. 2 масала сессияга киритилди.

■ ЎзХДП: БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТ — АСОСИЙ ТАЯНЧ

Партиянинг таъсир кучи

аъзолари фаоллиги ва ташаббускорлиги билан ўлчанади

Қарши шаҳрида ЎзХДП вилоят кенгаши томонидан бошланғич ташкилотлар фаолиятини янада яхшилашга бағишланган семинар ўтказилганда, бу фикр бот-бот такрорланди. Жўяли таклифлар ўртага ташланди. Баҳс-

мунозаралар юзага келди. Бошланғич ташкилот ҳаётга шунчалик яқинки, у қанчалик фаол бўлса, партиянинг таъсир кучи шунчалик юқори бўлади.

► Давоми 2-бетда.

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ва навбатдаги сонларида:

Давлат бюджетининг жорий йил 9 ойлик ижроси кўриб чиқилди

Куйи бўгин фаоллиги партиямизнинг нуфузи, таъсир кучи ошишига хизмат қилади

ЎЗБЕКИСТОН ХДП
ЖАМОАТЧИЛИК
ҚАБУЛХОНАЛАРИДА

Сиёсий партиянинг жамият ҳаётида обрў-эътибори ошиши, ижтимоий-сиёсий ислохотларга таъсири кучайишида электорат ишончини қозониш, аҳолини ўйлантираётган масалаларни ҳал қилиш муҳим ўрин тутди.

ҲАР БИР
МУРОЖААТГА

ечим топиш, электорат ишончини қозониш асосий вазифамиз

Бугун электоратни қандай муаммолар ўйлантираётганини билмаган сиёсий партия самарали фаолият кўрсата олмайдди. Ўзбекистон ХДПда бу борада синовдан ўтган механизм бор. Бу партия кенгашлари қошида фаолият кўрсатаётган Жамоатчилик қабулхоналаридир.

— Жамоатчилик қабулхонаси электорат манфаатини ҳимоя қилишда самарали восита ҳисобланади, — дейди **Ўзбекистон ХДП Жиззах вилоят кенгаши раиси Мўтабар Каримова**. — Мазкур қабулхоналар фаолиятини янада такомиллаштириш учун ҳар бир мурожаатни таҳлилий ўрганиб, ечим устида жиддий ҳаракат қилишимиз керак. Мисол учун, бир туман ёки шаҳарнинг турли жойларидан бир хил ёки бир-бирига ўхшаш, ўзаро боғлиқ мурожаатлар бўлганда уларни тизимли ҳал этиш чораларини кўришимиз даркор. Бунинг учун маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳимиз ваколатларидан фойдаланиб, сессиялар муҳофазатига турли масалалар киритиш амалиётидан кенг фойдаланиш зарур, деб ўйлайман.

Мурожаатларнинг аксарияти ижтимоий муаммолар билан боғлиқ. Уларни бартараф этиш учун режа бўйича иш олиб борамиз. Муҳими, ҳаракатларимиз исзис кетмаяпти. Берилаётган ваколат турли масалалардан ўз ўрнида фойдаланиб, одамлар оғирини енгил қилишга интиляимиз. — Қабулхонага тушган мурожаатларнинг ҳар бирига жиддий эътибор билан қараймиз, — дейди **Жиззах вилоят кенгаши бўлим мудир Файрат Пирназаров**. — Уларда кўтарилган масалалар депутатлар кўмагида тегишли идора ва ташкилотлар орқали ҳал этилаётгани Жамоатчилик қабулхоналарига ишонччи янада мустаҳкамламоқда.

Масалан, жорий йилнинг 9 ойида вилоят, туман ва шаҳар партия кенгашлари қошидаги Жамоатчилик қабулхоналарига 398 мурожаат бўлди. Уларнинг 165 таси ишга жойлаштириш, иш ҳақи ва пенсияларнинг ўз вақтида берилиши, 150 таси уй-жой, коммунал хизмат кўрсатиш ҳамда ижтимоий соҳалар, 13 таси кредит олиш масаласида бўлди. Умуман олганда, мурожаатларнинг қарийб 90 фоизиди ўртага қўйилган муаммолар депутатларимиз сай-ҳаракати билан мутасадди ташкилотлар ёрдамида ечим топди. Қолган мурожаатлар бўйича тушунтириш ишлари олиб борилди, ҳуқуқий маслаҳатлар берилди.

Ўзбекистон ХДП Жиззах вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси қарори билан барча туманлар, айниқса, олис кишлоқ жойларда Кўма жамоатчилик қабулхоналари мунтазам ташкил этилаётгани электоратни партияга, партияни электоратга, ҳаётга янада яқинлаштирмоқда.

Ҳақиқатан ҳам, Жамоатчилик қабулхоналари электорат манфаатини ҳимоя қилишда муҳим воситага айланди. Унинг имкониятларидан янада самарали фойдаланиб, аҳоли орасига чуқурроқ кириб бораверсак, партиямизга ишонч янада мустаҳкамланади.

Аброр КУРБОНОВ

8 ДЕКАБРЬ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КУН

Конституциямиз — тараққиётимиз ва фаровонлигимиз кафолати

ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгаши ташаббуси билан Ўзбекистон миллий кутубхонаси анжуманлар залида «Конституция — мамлакат тараққиёти ва жамият фаровонлигининг ҳуқуқий кафолати» мавзусида ўтказилган тадбирда сўзга чиққан депутатлар ва ҳуқуқшунослар, партия фаоллари ва ёшлар Конституция асосида юртимизда давлат бошқаруви янада демократлаштириш, кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида изчил ислохотлар амалга оширилаётганини таъкидлашди.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси раҳбари Хотамжон Кетмонов Бош Қомусимизнинг ҳар бир моддасида, ҳар бир бандида халқроқ ҳуқуқ меъёрлари, умуминсоний қадриятлар ва миллий бағрикенглик тамойили акс этгани, ҳуқуқий-демократик давлат,

Давоми. Бошланғич 1-бетда.



Фаррух АЛИЕВ олган суратлар.

кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш унинг асосий мазмунини ташкил этишини алоҳида қайд этди. — Биз Конституция ҳақида гапирганда доимо уни асосий қонун, бош ҳуқуқий ҳужжат сифатида эътироф этамиз, — дейди **Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгаши раиси ўринбосари**

Нилуфар Юлдашева. — Чунки жамиятнинг ҳар бир жаҳаси, одамлар кундалик ҳаёти унда белгиланган меъёрлар билан чамбарчас боғлиқ. Шу боис Конституцияни чуқур ўрганиш, ҳаётимиздаги аҳамиятини англаш, бу борада тарғибот-ташвиқот ишларини кенг кўламада олиб бориш ҳар доим долзарб аҳамиятга

эга бўлиб келган. Айниқса, партиямизнинг асосий ғояси ҳисобланган аҳолининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, ҳар бир шаҳсининг меҳнат қилиш, эркин касб танлаш ҳуқуқлари Конституцияда алоҳида эътиборга олинган партиямиз электорати манфаатларини таъминлашга хизмат қилмоқда. Шунинг учун пар-

тиямиз ташкилотлари ва депутатлар Конституция тарғиботини кучайтиришга, у асосида қабул қилинган қонунлар ижроси устидан жойларда самарали жамоатчилик ва депутатлик назоратини олиб боришга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Тадбирда мутахассислар Конституциямизга киритилган сўнги ўзгариш ва қўшимчалар давлат ҳокимияти ва бошқаруви янада демократлаштиришда муҳим ўрин тутишини атрафлича таҳлил қилиб беришди.

Шунингдек, тадбирда қонунларнинг ҳаётга татбиқ этилишида ёшларимиз, барча жамоат ташкилотлари қатори сиёсий партияларнинг ўрни ва ролини янада ошириш каби масалалар ҳам иштирокчилар диққат марказида бўлди. Бу борада тарғибот-ташвиқот ишлари таъсирчанлиги ва самарадорлигини ошириш масалалари атрафлича муҳокама этилди.

Наврўз ШОДМОНҚУЛОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎзХДП: БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТ — АСОСИЙ ТАЯНЧ

Партиянинг таъсир кучи

аъзолари фаоллиги ва ташаббускорлиги билан ўлчанади



Дастлаб тадбир ўтаётган «Гиссарнефтегаз» МЧЖнинг кўп қаватли, замонавий меъморчилик услубида қурилган маъмурий биносини кўздан кечирдим. Нихоятда жозибали. Ташкилотда минга яқин ҳодим ишлайди. Шинам хоналардан бири бошланғич ташкилот учун ажратилган. Яхши жиҳозланган, турли сиёсий адабиётлар, қўлланмалар, матбуот нашрлари билан таъминланган.

Партиямизнинг бу ердаги ташкилоти етакчиси — Жўракул Амиров. У Қарши шаҳар Кенгаши депутати ҳамдир. Тадбир қатнашчилари дастлаб бошланғич ташкилот иши билан танишишди. Бундан бир ойда бурун газетамизда Жўракул аканинг мақоласи босилган. Фақат битта савол бердим. «Кишлоқ жойларда меҳнат қилаётган ёшлар ҳам партиямиз сафига киришяптими?»

— Сизни тушундим, — дейди **Жўракул ака қулимсираб**. — Фақат идора ҳодимлари билан чекланиб қолмаяпсизларми, демократик. Йўқ, жуда кўп ёшлар партиямиз сафида бўлишни исташмоқда. Масалан, бу йил «Шимоллий нишон» газ кони ишчиси Исқандар Исмаилов, қурилишчи ишчиси Жамид Рўзкулов партиямиз аъзоси бўлишди. Бундай ёшлар ўнлаб. Тўғри таъкидлашсиз, ташкилотимиз жамоада обрў қозониши унинг сафида ташаббускор, келажакка интилувчи ёшлар кўпчилигини ташкил этишига боғлиқ.

Давоми. Бошланғич 1-бетда.

— Мана, мен очик гапираман, — дейди **вилоят партия кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи раҳбари Олим Равшанов**. — Ўрнак бўла оладиган бошланғич ташкилотларимиз анчагина. Лекин қолган бошланғич ташкилотларимизда аҳоли қатон яхшиланади? Замон ўзгаряпти, талаб ошиб борапти. Сиёсий рақобат кучайиб бормоқда. Бу, ўз навбатида, бошланғич ташкилотларнинг замонав мос ҳаракат қилишини талаб қилади. Тўғри, қўлланмалар етказилмапти, етакчилар ўқувини ташкил етказмапти. Бироқ ҳамма жойда ҳам аҳоли бирдек эмас. Мана, вилоят кенгашида бошланғич ташкилотлар билан ишлаш сектори ташкил этилди. Зафар Очиллов бошчи. Бироқ ҳали ёш, кўп ишлаб улгурмади. Агар мавзунини тўла очиб беролмаса, тўлдирайлик, ўргатайлик, фикримизни айттайлик.

Шу гапдан кейин нотиқ Зафар Очилловга алоҳида эътибор қаратдим. Тўғри, ҳаяжонланди. Сиёсий атамалардан кўра рақамлар, маълумотлар кўп эди унинг нутқида. Аммо шахсан мен илк бор вилоят ташкилоти ҳақида кўлаб маълумотларга эга бўлдим. Масалан, вилоятда жами 845 БПТ 35551 нафар аъзоси бирлаштирган. Шундан хотин-қизлар 36 фоизни ташкил этади. Ҳар бир бошланғич ташкилотга ўртача 42 аъзо тўғри келади. Нотиқнинг айтишича, аъзоларнинг 11 минг нафарга яқини ишчи ва деҳқонлар, 17 мингга яқини хизматчилар, 2-3 мингга яқини тадбиркор-

лар. Яна бир муҳим маълумот айтиб ўтишди. Аъзолари 3-5 нафар бўлган БПТ 77 та, 100-50 нафар аъзоси бор ташкилот 62 та экан.

Нотиқ қуйидаги тақдирларни ўртага ташлади: бошланғич ташкилотнинг кундалик қулатув дафтари, аъзолар рўйхати, иш режаси, турли тадбирларнинг баённомаси бўлиши шарт. Бошланғич ташкилотларни қайтадан рўйхатдан ўтказиш, кўрик-танловлар ташкил этиш ва бошқа ишлар ҳақида гапирди.

— Ҳаёт турли масалаларни ўртага қўймоқда, — дейди **ЎзХДП Қарши шаҳар кенгаши раиси, халқ депутатлари шаҳар Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари Рашид Муртазов**. — Яхши ишлаган бошланғич ташкилотлар етакчилари

ни доимий рабатлантириб бориш керак, деб ўйлайман. Бу йил август ойи бошида Қарши темир йўли ташкилотига касб байрами муносабати билан совға олиб бордик. Ҳамма хурсанд бўлди бундай эътибордан. Бошланғич ташкилотнинг ҳам эътибори яхши. Умуман, партиявий иш зериқарли эмас, унинг ўзига хос жозибаси бор. Ҳамма ҳам етакчи бўлолмайдиган одамларни, партия аъзоларини олдимида турган муҳим вазифаларга жалб қилолмайди. Партиявий иш хилма хил. Ҳаёт сингари ранг-баранг. Шаҳримизда 150 бошланғич ташкилот тузилган. Аъзоларимиз 3 минг нафардан ортиқ. Жамми Тўрақуллова, Назира Ўроқова, Жўракул Амиров каби депутатларнинг бошланғич ташкилотларга яқиндан ёрдам бериб келаётганидан хурсандим.

— Туманимизда пахтачилик етакчи тармок, — дейди **Касби туманидаги «Галаба» кишлоқ фуқаролар йигини раиси, халқ депутатлари туман Кенгаши депутати, ҳудудий партия ташкилоти етакчиси Хушмурод Атамуродов**. — Шу йил терим пайтида теримчиларга совғалар ташкил қилдик. ЎзХДП туман кенгашининг фахрий ёрликларини топширдик. Ҳамкорлик муҳим масала. Фаолиятимиз самараси шунга боғлиқ. Мен беш масала юзасидан туман ташкилотларига депутатлик сўрови юбордим. Уларда кўтарилган масалалар юзасидан дастлаб бошланғич ташкилотда маслаҳатлашиб олганимиз.

— Биз келаятганимизда қор уч-кунлаётган эди, — дейди **ЎзХДП Деҳқонбод туман кенгаши раиси Ашур Норбоев**. — Бу йил яхши келди. Ёмғир қўплиги туфайли лалми ерларга кузги дон вақтида экиб олинди. Бунинг шунинг учун айтаяманки, кишлоқ ҳўжалиги туманда етакчи тармок ҳисобланади. Жами икки ярим минг аъзоимизнинг анчаси далаларда меҳнат қилади. Фермерлар орасида аъзоларимиз 100 нафардан ошди. Ҳозир 40 бошланғич, жумладан, 23 ҳудудий ташкилотимиз фаолиятини янада яхшилашга ҳаракат қилияпмиз.

Тадбирда **Қарши шаҳар қурилиш коллежи директори ўринбосари, партиямиз аъзоси Отабек Абдурахмонов, шаҳардаги «Қарликбод» маҳалла фуқаролар йигинидаги бошланғич ташкилот етакчиси Элим Зоиров** ва бошқалар ҳам сўзга чиқишди. Қарши шаҳридаги 6-мактабнинг бир гуруҳ ёш ҳодимларига аъзолик гувоҳномалари топширилди.

Дилшода МУРОВА, биология фани ўқитувчиси: — Нера айнан шу партияни танладим? Бу саволни ўзимга кўп бора бериб кўрганман. Аввал ҳавас қилгандим. Лекин ёши улғў партиядошларимизнинг ибратли ишларини кузатиб, шу партия сафида бўлишга қарор қилдим. Тадбирда бошланғич ташкилотни ривожлантириш ҳақида кўп фойдалли гаплар айтилди. Мен ҳам бу вазифаларни бажаришга ўз ҳиссамни қўшмоқчиман.

Дилораз ОТАМИРЗАЕВА, кутубхоначи: — Бугун аъзолик гувоҳномасини муҳим тадбирда олганим ҳеч ёдимдан чиқмаса керак. Бошланғич ташкилот сафида туриб, партиямизнинг обрў-эътиборини оширишга ҳаракат қиламан...

Қўриниб турибдики, партиямиз аъзолари сафи кенгайиб, бошланғич ташкилотлар сони ошиб бормоқда. Ёшлар партиямизга аниқ мақсадлар билан аъзо бўлмоқда. Демак, улар партиямиз ғояларини ҳаётга таъбиқ этишда фаол иштирок этишади.

— Биз келаятганимизда қор уч-кунлаётган эди, — дейди **ЎзХДП Деҳқонбод туман кенгаши раиси Ашур Норбоев**. — Бу йил яхши келди. Ёмғир қўплиги туфайли лалми ерларга кузги дон вақтида экиб олинди. Бунинг шунинг учун айтаяманки, кишлоқ ҳўжалиги туманда етакчи тармок ҳисобланади. Жами икки ярим минг аъзоимизнинг анчаси далаларда меҳнат қилади. Фермерлар орасида аъзоларимиз 100 нафардан ошди. Ҳозир 40 бошланғич, жумладан, 23 ҳудудий ташкилотимиз фаолиятини янада яхшилашга ҳаракат қилияпмиз.

Тадбирда **Қарши шаҳар қурилиш коллежи директори ўринбосари, партиямиз аъзоси Отабек Абдурахмонов, шаҳардаги «Қарликбод» маҳалла фуқаролар йигинидаги бошланғич ташкилот етакчиси Элим Зоиров** ва бошқалар ҳам сўзга чиқишди. Қарши шаҳридаги 6-мактабнинг бир гуруҳ ёш ҳодимларига аъзолик гувоҳномалари топширилди.

Дилшода МУРОВА, биология фани ўқитувчиси: — Нера айнан шу партияни танладим? Бу саволни ўзимга кўп бора бериб кўрганман. Аввал ҳавас қилгандим. Лекин ёши улғў партиядошларимизнинг ибратли ишларини кузатиб, шу партия сафида бўлишга қарор қилдим. Тадбирда бошланғич ташкилотни ривожлантириш ҳақида кўп фойдалли гаплар айтилди. Мен ҳам бу вазифаларни бажаришга ўз ҳиссамни қўшмоқчиман.

Дилораз ОТАМИРЗАЕВА, кутубхоначи: — Бугун аъзолик гувоҳномасини муҳим тадбирда олганим ҳеч ёдимдан чиқмаса керак. Бошланғич ташкилот сафида туриб, партиямизнинг обрў-эътиборини оширишга ҳаракат қиламан...

Қўриниб турибдики, партиямиз аъзолари сафи кенгайиб, бошланғич ташкилотлар сони ошиб бормоқда. Ёшлар партиямизга аниқ мақсадлар билан аъзо бўлмоқда. Демак, улар партиямиз ғояларини ҳаётга таъбиқ этишда фаол иштирок этишади.

Юнус УЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

1 ДЕКАБРЬ — ХАЛҚАРО ОИТСГА ҚАРШИ КУРАШ КУНИ

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти томонидан Андижон давлат университетида «Ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимини ошириш» ойлги лойиҳаси доирасида «Ёшлар соғлом турмуш тарзини танлади» мавзусида семинар ўтказилди.

Ёшлар соғлом турмуш тарафдори

Унда партия кенгаши ҳодимлари, халқ депутатлари шаҳар, туман Кенгашлари депутатлари, «Истиқбол» ёшлар қаноти етакчилари, ҳуқуқшунослар ва малакали тиббиёт ҳодимлари соғлом турмуш тарзини шакллантириш, ОИТСга қарши кураш чораларини кучайтириш, бу борада ҳамкорликдаги тадбирларни изчил йўлга қўйиш масалаларида фикр алмашишди, таклиф-мулоҳазалар билдиришди.

«Истиқбол» ёшлар қаноти фаоллари ОИТС касаллиги ва турли зарарли одатлар таъсиридан ҳимояланиш бўйича тезкор саволларга жавоб беришди.

Тадбир сўнггида 30 нафар йигит-қизга Ўзбекистон ХДПга аъзолик гувоҳномалари топширилди.

Шоҳруҳ АБДУРАҲМОНОВ

ОГОҲЛИК

Миллий матбуот марказида Фавқуллода вазиятлар вазирлиги томонидан аҳоли орасида табиий ва ис газидан заҳарланиш, шунингдек, овқатдан оммавий заҳарланишнинг олдини олишга қаратилган профилактик тадбирлар юзасидан матбуот анжумани ўтказилди. Унда «Ўзтрансгаз» акциядорлик компанияси ва Республика давлат санитария-эпидемиология хизмати марказининг масъул ҳодимлари ҳам иштирок этди.

Эҳтиёткорлик

чоралари

кучайтирилмоқда

— Барчамизга маълумки, совуқ кунлар бошланиши билан аҳолининг табиий газга бўлган эҳтиёжи ортади. Шу билан бирга, консервланган маҳсулотларни истеъмол қилиш кўпаяди, — дейди **Фавқуллода вазиятлар вазирлиги бошқарма бошлиғи Зулфигор Қиличов**. — Бундай пайтда аҳоли орасида ис газидан ҳамда сифатсиз консерва маҳсулотларидан заҳарланиш, ҳаво-газ ара-лашмасининг чакнаш ҳолатлари кавфи кучаяди. Жорий йилнинг ўтган даврида республикамизда 17 марта шу билан боғлиқ фавқуллода вазиятлар қайд этилди. Оқибатда 47 нафар фуқаро турли даражада заҳарланиш ва куйиш белгилари билан шифохонага ётқизилди. Бахтсиз ҳодисаларнинг 11 таси газ ва иситиш ускуналари ва печлардан фойдаланишда техника ва ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя этилмаслиқ оқибатлари келиб чиққан. Фавқуллода вазиятлар вазирлиги бундай нохуш ҳолатларнинг олдини олиш, фуқаролар ҳаётини сақлаш ва саломатлигини муҳофаза қилиш мақсадида тегишли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда Ёпик иншоотларда табиий газнинг сирқиб чиқиши ва фуқаролар ис газидан заҳарланишининг олдини олиш тадбирлари комплекс режасини ишлаб чиқди. Мазкур режага мувофиқ, кўплаб профилактика тадбирлари ўтказилмоқда. Аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб бориляпти.

Матбуот анжуманида, шунингдек, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Республика давлат санитария-эпидемиология назорати маркази ҳодими Қамарилдин Боқиев сифатсиз озиқ-овқат маҳсулотларидан заҳарланишнинг олдини олиш бўйича қилинаётган ишлар, «Ўзтрансгаз» акциядорлик компанияси ҳодими Ҳаким Хушбақов газдан хавфсиз фойдаланиш қоидалари юзасидан амалга оширилаётган тадбирлар ҳақида атрафлича маълумот беришди.

Матбуот анжуманида журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарилди.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН ХДП ФРАКЦИЯСИ НАВБАТДАГИ ЙИҒИЛИШИДА «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ ВА ДАВЛАТ МАҚСАДЛИ ЖАМФАРМАЛАРИ БЮДЖЕТЛАРИНИНГ 2015 ЙИЛ 9 ОЙЛИК ЯҚУНЛАРИ ИЖРОСИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ХИСОБОТНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАДИ.



ЖОРИЙ ЙИЛ НОЯБРЬ ОЙИНИНГ СўНГИ ҲАФТАСИДА ОЛИЙ МАҲЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТЛАРИ, ХУСУСАН, ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ФРАКЦИЯСИ АЪЗОЛАРИ ҚОНУНЧИЛИҚДА БЕЛГИЛАНГАН ТАРТИБДА ЎЗ САЙЛОВ ОКРУГЛАРИДА БўЛИБ, САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВЛАР ЎТКАЗИБ ҚАЙТДИ.

Мамлакатимизда кўппартиявийлик тизимини ривожлантириш ва мустақамлаш, парламентда ва жамиятда сиёсий партиялар ўртасидаги рақобатни кучайтиришга қаратилаётган катта эътибор туфайли юртимизда давлат аҳамиятига молик энг муҳим масалаларни ҳал қилишда сиёсий партияларнинг роли ва таъсири сезиларли даражада кучайди.

ХУДУДИЙ ИСЛОҲОТЛАР

Истиклол йилларида Самарқанд вилояти мамлакатимизнинг йирик sanoat марказларидан бирига айланган. Бугунги кунда мазкур ҳудудда «MAN», «Дака Текс», «Сам Антеп Гилам», «Pulsar Group Brewery», «Siyob saxovat» каби кўплаб қўшма корхоналар ҳамда акционерлик жамиятлари фаолият юритмоқда.

Самарқанда керамика плиталари тайёрланади

Шаҳарнинг Фарҳод қўрғониде барпо этилаётган хорик корхонаси «Prime Ceramics» масъулияти чекланган жамияти эса йилгига 2,75 миллион квадрат метр керамика плита ишлаб чиқариш қувватига эга бўлади. Мутахассисларнинг фикрича, лойиҳа қиймати 25,38 миллион АҚШ доллари бўлган жамият ишлаб чиқариш имкониятлари бўйича Марказий Осиёда ягона корхона ҳисобланади. Бугунги кунда ушбу корхонага 18,17 миллион АҚШ доллари миқдориде хорик сармояси жалб этилди.

— Корхонанинг биринчи навбати ишга тушган, 154 нафар киши иш билан таъминланади, — дейди **корхона бошқарувчиси Турсункул Нурмухаммадов**. — Ҳамкоримиз Россиядаги Волгоград керамика заводи томонидан Италияда ишлаб чиқарилган энг замонавий ускуналар келтирилди. Айни пайтда уларни ўрнатилиш ишлари ниҳоясига етказилмоқда. Эътиборлиси, керамик плиталар ишлаб чиқариш учун каолин, кварц қуми, бентонит, мрамор ушогли каби асосий хомашёлар маҳаллий шароитда олинади. Корхонада ишлаб чиқариладиган керамик плиталарни дастлаб ички бозорга чиқариш, кейинчалик эса хорикга экспорт қилиниши режалаштириляпти.

Абдурашад САТТОРОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

ЎЗБЕКИСТОНДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ САМАРАЛИ МЕХАНИЗМИ ЯРАТИЛГАН

Конференцияда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг қонуний асосларини мустақамлаш, қонун ижодкорлигини янада яхшилаш, соҳада парламент назоратини кучайтириш, вакиллик органларининг ролини ошириш, давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш борасидаги миллий ва хорикий тажриба чукур таҳлил қилинди. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича миллий институтлар фаолиятини ривожлантириш, уларнинг фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлигини мустақамлаш, фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик назорати ва ижтимоий шерикликини кучайтириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа долхисиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланиши белгиланган. Буларни таъминлаш йўллари ва қасолатлари қонуларимизда мустақамланган. Мамлакатимиз инсон ҳуқуқлари бўйича етмишдан ортик халқаро ҳужжатга қўшилган, жумладан, БМТнинг ўнта асосий ҳужжати ратификация қилган. Давлатимиз инсон ҳуқуқлари ва эркинлигига риоа этиш ҳамда уни ҳимоя қилиш борасидаги мажбуриятларини тўла баҳариб келмоқда.

Тадбирда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигиде мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат, қули фуқаролик жамияти барпо этилаётгани инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлашга хизмат қилаётгани таъкидланди. Суд ҳуқуқ тизимини либераллаштириш, суднинг мустақилигини таъминлашга қаратилган ташкилий, ҳуқуқий чора-тадбирлар туфайли бу соҳа инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли муҳофаза этадиган мустақил давлат институтига айланди.

— Ўзбекистонда инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида улкан ишлар амалга оширилган, — деди **Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим масалалари бўйича эксперт Томас Паттерсон (Буюк Британия)**. — Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва барча қонун ҳужжатларида инсон ҳуқуқлари ҳимоясини таъ-

минлаш билан боғлиқ ҳижатлар тўлиқ мужассам экани ва улар амалда ўз ифодасини топаётгани диққатга сазовор.

Анжуманда инсон манфаатлари Ўзбекистонда амалга ошириляётган ислохотлар стратегиясининг мезони сифатида белгилангани қайд этилди. Фуқароларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларини ҳимоя қилишга йўналтирилган кўплаб қонулар қабул қилинган. Бу мамлакатимизда ушбу йўналишда миллий қонунчилик тизими аниқ ва пухта шаклланганининг ёрқин намунасирид.

Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича ратификация қилинган халқаро конвенцияларга риоа қилиш мониторингини олиб бориш, бу борадаги ишлар устидан парламент назоратини кучайтиришга катта эътибор қаратилди. Халқаро экспертлар парламентнинг ҳуқуқий макомини оширишга қаратилган босқичма-босқич ислохотлар унинг жамиятдаги ролининг кучайишига, қонулар сифатининг ошишига, ижро ҳокимияти органлари устидан парламент назоратини кучайтиришга хизмат қилаётганини қайд этди.

2011 йилнинг мартида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонунга мувофиқ парламентга Бош вазирга нисбатан ишонсизлик вотуми билдириш ҳуқуқи, шунингдек, мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг долзарб масалалари юзасидан Бош вазирнинг ҳисоботларини эшитиш ва муҳокама қилиш ҳуқуқи берилган парламент ваколатлари ва назорат вазифаларини янада кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

— Бағрикенглик ва инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш тинчлик ва барқарорлиқни таъминлашнинг муҳим асосидир, — деди **БМТнинг мамлакатимиздаги доимий мувофиқлаштирувчиси, БМТ Тараққиёт дастурининг доимий вакили Стефан Приснер**. — Шахс ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мамлакатини хар ҳижатдан ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистонда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида Президент Ислам Каримов инсон, унинг манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият даражасига кўтарилган жамият барпо этишга эътибор қаратгани диққатга сазовор. Мамлакатимизда фуқаролик

номзоди таклиф этилиши таъмоийли жорий этилди. Буларнинг барчаси мамлакатимизда демократик жараёнда халқаро андозалар асосида олиб бориляётганидан далолат беради.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси Ўзбекистонда сиёсий ва иқтисодий ислохотларнинг муҳим дастурига айланди. Шу асосда давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш, ахборот соҳасини ислох қилиш, сайлов қонунчилигини ривожлантириш, фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш, бозор ислохотларини либераллаштиришни янада чуқурлаштириш йўналишларида амалга оширилган тўб ислохотлар мамлакатимиз бариқарор тараққиёти, халқимиз фаровонлиги учун пухта замин яратди.

Халқаро экспертлар ўз чиқишларида инсон ҳуқуқлари ва эркинлигини ҳимоя қилиш бўйича миллий институтлар — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ, Ўзбекистон Республикасининг Президентини ҳузурдаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторингини институтининг қонун устуворлигини таъминлаш, фуқаролар ҳуқуқларини қонунчиликка биноан ҳимоя қилиш борасидаги ролини юксак баҳолады.

— Баргикенглик ва инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш тинчлик ва барқарорлиқни таъминлашнинг муҳим асосидир, — деди **БМТнинг мамлакатимиздаги доимий мувофиқлаштирувчиси, БМТ Тараққиёт дастурининг доимий вакили Стефан Приснер**. — Шахс ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мамлакатини хар ҳижатдан ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистонда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида Президент Ислам Каримов инсон, унинг манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият даражасига кўтарилган жамият барпо этишга эътибор қаратгани диққатга сазовор. Мамлакатимизда фуқаролик

институтларининг ривожланиши, фуқароларнинг юртимизини ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги муҳим вазифаларини бажаришда фаол иштирок этиши учун кенг имкониятлар яратилган. Конституциямизда давлатнинг жамоат бирлашмалари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоа этилишини таъминлаш, уларга ижтимоий ҳаётда иштирок этиш учун тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб бериши мустақамланган. Ушбу принципга мувофиқ қабул қилинган 250 давлат ортик қонун ҳужжатлари Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантиришда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар нодавлат нотижорат ташкилотларини рўйхатдан ўтказиш ва фаолиятини ташкил этиш тартибини янада содаллаштириш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари янада такомиллаштирилди. Натижада мамлакатимизда фаолият юритаётган ННТлар сони 8 минг 200 дан ошди. Хусусан, фуқароларнинг 10 мингдан ортик ўзини ўзи бошқариш органлари ҳудудларда амалга ошириляётган демократик ислохотларни ривожлантириш ҳамда амалга оширишга катта ҳисса қўшаётир. Фуқаролик жамиятининг оммавий ахборот воситалари каби муҳим институти ҳам жад ривожланиб бормоқда.

2014 йил 5 майда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида»ги қонуни фуқароларнинг ахборот соҳасидаги конституциявий ҳуқуқини янада кенгрок амалга ошириш имкониятини яратди. Шу билан бирга, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг қабул қилинаётган қарорлар сифатини ошириш борасидаги масъулиятини оширди. Қонунда давлат ҳокимияти органлари фаолияти ҳақида жамоатчиликни хабардор қилиб бориш тартиблари аниқ белгиланган.

— Ўзбекистоннинг турли давлат ва нодавлат ташкилотлари мамлакатда инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга қўмаклашяётгани эътиборга лойиқ, — деди **Шотландия**

инсон ҳуқуқлари комиссияси ҳуқуқшуноси Брюс Адамсон. — Ўзбекистоннинг фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги ишларда жаҳон ҳамжамияти учун очик экани, соҳада амалга ошириляётган дастурларга халқаро стандартлар кенг татбиқ этиляётгани мамлакатимизда инсон манфаатлари ва эркинликларини таъминлашга катта эътибор қаратиляётганини яна бир қарра исботлайди. Бу жараёнда парламент назоратини кучайтириш йўлида кенг қўламли сая-ҳаракатлар олиб бориляётгани гоят аҳамиятлидир.

— Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва қонун устуворлиги таъмоийлини амалга ошириш демократик тараққиётнинг муҳим жиҳатлари ҳисобланади, — деди **Инсон ҳуқуқларини ўрганиш бўйича Хитой жамияти кенгаши аъзоси, Нанкай университетининг инсон ҳуқуқларини ўрганиш бўйича маркази директори ўринбосари Танг Йингксия**. — Ўзбекистонда ушбу соҳанинг мустақам ҳуқуқий асоси яратилган ва у амалиётга кенг татбиқ этилмоқда. Хитойда ҳам бу каби масалаларга устувор аҳамият қаратилади. Мамлакатларимиз ўртасида ушбу йўналишдаги ҳамкорлик мустақамланмоқда. Ўзбекистонда «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилингани мамлакатимизда ахборот олиш эркинлиги тўлиқ таъминланаётганининг амалдаги ёрқин исботидир. Ўзбекистонда давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг очиклигини намоён этувчи ушбу қонун фуқаролик жамиятини ривожлантириш, фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги фаол иштирокини таъминлашга хизмат қилади. Бу бошқа мамлакатлар учун намуна бўла олади.

Халқаро анжуманда мамлакатни демократик янгилаш ва модернизациялаш жараёнида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш, соҳада амалга ошириляётган ишлар самарадорлигини янада ошириш бўйича Ўзбекистон тажрибаси ва халқаро амалиёт, мазкур йўналишда халқаро ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари атрофила муҳокама қилинди.

Ирода УМАРОВА,
Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎзА мухбирлари.



Кўшимча чоралар кўрилмоқда

Бельгия пойтахти Брюсселда террор хавфи ҳамон сақланиб турганлиги ҳақида хабарлар тарқатилмоқда, дейилади «Новости» ахборот агентлиги ахборотида. Шу боис мамлакатнинг федерал маъмурияти террорчи гуруҳларга алоқадор шахсларни аниқлаш ва терактлар содир этилиши ўзининг ҳақида аввалдан хабар топиш бўйича кўшимча чораларни ишга солмоқда.



Бу вазият одамлар юрагига гулгула солмоқда ва шаҳар ташқарисидан Брюсселга қатновчи автобус ҳайдовчилари пойтахт шаҳарга қатнашдан чўчишмоқда. Вазиятни юмшатиш учун эса маъмурият пойтахтга қатновчи автобус ҳайдовчилари ўртасида тушунтириш ишларини олиб бормоқда.

Эслатиб ўтаимиз: 13 ноябрь кечқурун Парижда содир этилган террорчилик атаклари оқибатида 130 киши ҳаётдан кўз юмган, 352 киши турли даражада тан жараҳати олган.

Тенглашиш учун 118 йил керак

Аёллар ва эркеклар даромадиде фарқ хануз юқорилигича сақланиб қолмоқда ва у жуда секинлик билан қисқармоқда. Бу ҳол шундайлигича давом этса, фарқни тенглаштириш учун инсониятга яна 118 йил керак бўлар экан.

Бутунжаҳон иқтисодий форуми экспертлари томонидан тайёрланган ҳисоботга асосланиб «Reuters» ахборот агентлиги бу ҳақда хабар тарқатди.

Ҳисоботда қайд этилишича, бугунги кунда дунё бўйича аёлларнинг йиллик ўртача даромади 11 минг долларни ташкил этгани ҳолда эркекларда бу рақам 21 минг долларга тенг экан.

Орадаги фарқ деярли сезилмайдиган улқалар ҳам боллиги ҳисоботда мисол тариқасида келтирилган. Масалан, Норвегия ва Швецияда аёллар ва эркеклар даромади йилга ўртача 40 минг доллардан тўғри келган.



Исландияда маошлардаги фарқ 11 фоиз бўлса, Данияда 10 фоизга тенг. Бу борада жуда катта фарқ Яманда қайд этилган: 1 долларга 27 цент тўғри келган.

Бир неча кун аввалроқ «Eurostat» ҳам Европа Иттифоқида гендер тенглиги учун олиб бориляётган сая-ҳаракатлар секинлик билан бўлсада самара бераётганини маошлардаги фарқлар мисолида баён этган эди. Масалан, 2008 йилда маошлар ўртасидаги фарқ 17,3 фоизни ташкил қилган бўлса, 2013 йилда бу кўрсаткич 16,4 фоизга тушган.

ЭЪЛОН

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши партия дастурий мақсад ва гоёаларини ўзиде ақс эттирган тарғибот воситалари (стол тақвими, чўнтақ тақвими, 2 хил девор тақвимлари) тайёрлаш бўйича танлов эълон қилди.

Танловда иштирок этишни истаган қорхона ва ташкилотлар 2015 йилнинг 14 декабрига қадар Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашига ўз тақдирлари билан мурожаат этишлари сўралади: 100029 Тошкент, Мустақиллик майдо-ни, 5/3. Тел: (99871) 239-18-49, 239-15-74, факс: (99871) 239-13-20.

РЕКЛАМА

«Universal auktsion invest» МЧЖ

очик аукцион савдосига таклиф этади

2015 йил 31 декабрь кунин соат 14:30 да ўтказиладиган аукцион савдосига Тошкент шаҳар Бектемир тумани СИБ томонидан хатланган қўйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: ЖИБ Шайхонтохур туман судининг 20.08.2015 йилдаги ижро варақасига асосан: 1980 йилда ишлаб чиқарилган «BA3-2105» русумли, давлат рақами 01 J 843 SA, бошланғич баҳоси 6 200 000 сўм, 2009 йилда ишлаб чиқарилган «Nexia» русумли, давлат рақами 01 E 506 UA, бошланғич баҳоси 32 000 000 сўм, ЖИБ Яшнобод туман судининг 13.07.2015 йилдаги ижро варақасига асосан, 2012 йилда ишлаб чиқарилган «Matiz» русумли, давлат рақами 01 823 TTВ, бошланғич баҳоси 22 000 000 сўм, Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 13.07.2015 йилдаги ижро варақасига асосан: 2010 йилда ишлаб чиқарилган «Sinotruk» русумли (ўзи ағдарувчи), давлат рақами 01 349 NBA, бошланғич баҳоси 90 000 000 сўм, 2010 йилда ишлаб чиқарилган «Sinotruk» русумли (ўзи ағдарувчи), давлат рақами 01 348 NBA, бошланғич баҳоси 100 000 000 сўм, ЖИБ Бектемир туман судининг 05.06.2015 йилдаги

ижро варақасига асосан: 2007 йилда ишлаб чиқарилган «Matiz» русумли, давлат рақами 01 D 521 PA, бошланғич баҳоси 21 301 456,8 сўм, 2012 йилда ишлаб чиқарилган «Matiz» русумли, давлат рақами 60 D 619 EA, бошланғич баҳоси 28 400 000 сўм.

2015 йил 31 декабрь кунин соат 15:30 да ўтказиладиган аукцион савдосига Тошкент шаҳар Чилонзор тумани СИБ томонидан ФИБ Мирзо Улугбек туманлараро судининг 24.12.2014 йилдаги 1-5800/14-сон ижро варақасига асосан хатланган, 2007 йилда ишлаб чиқарилган «BA3-21154-110-22» русумли, давлат рақами 01 516 WAA, бошланғич баҳоси 19 053 000 сўм бўлган автотранспорт воситаси қўйилмоқда.

Юқоридаги автотранспорт воситалари билан тегишли СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кўнлари соат 9:00 дан 18:00 гача қўйида кўрсатилган манзилда қабул қилинади. Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосидан 1 (бир) кун олдин юқорида кўрсатилган соатларда тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «Universal Auktsion Invest» МЧЖнинг АТ «Турон» банк Яшнобод филиалидаги МФО: 01083, СТИР: 302083379, 20208000004932168025 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қўйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак: аукцион савдосида қатнашиш учун юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда; жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, закалат пули тўлаганлиги ҳақида тўлов ҳужжати. Тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санаси кўрсатилган бўлиши шарт. Иштирий кўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади. Аукцион савдоларини ўтказиш ва қўшимча маълумот олиш манзили: Тошкент шаҳар, Истикбол кўча, 15-ўй. Тел: (8371) 236-74-67.

Гувоҳнома № 004059

«Toshkent universal auktsion savdo» масъулияти чекланган жамияти

2015 йил 31 декабрь кунин бошланғич нархи босқичма-босқич ўсиб бориш тартибидеги очик аукцион савдоларини ўтказилади.

Аукцион савдоларига Тошкент ш., Чилонзор тумани, «Ц» мавзеси, Чўпонота кўчасида жойлашган, «O'ZDAVyerloiyha» УЎДЕТИЛИНИНГ «toshvilyerloyiha» ШК балансидаги 1990 й. и/ч, д/р 01/640SDA, бошланғич нархи 1 011 000 сўм бўлган «YA3-31512» русумли; Тошкент ш., Яшнобод тумани, Тараққиёт кўчаси, 103-ўйда жойлашган Тошкент тиббиёт академиясининг учинчи клиникаси балансидаги 1991 й. и/ч, д/р 01/733FBA, бошланғич нархи 5 138 166 сўм бўлган «YA3-3303» русумли; Тошкент ш., Миробод тумани, Фаргона йўли кўчаси, 50-ўйда жойлашган «MARKAZIY» комбинат» ДУК балансидаги:

№	Русуми	Давлат рақами	Ишлаб чиқарилган йили	Бошланғич баҳоси (сўм)
1	«ГАЗ-6602»	Рақамсиз	1973	21 354 277
2	«ГАЗ-6605»	Рақамсиз	1972	22 878 797
3	«ГАЗ-6605»	Рақамсиз	1976	22 878 797
4	«ГАЗ-63»	Рақамсиз	1968	22 878 797
5	«ГАЗ-63»	Рақамсиз	1967	22 878 797
6	«ЗИЛ-157»	Рақамсиз	1969	27 547 638
7	«ЗИЛ-131»	Рақамсиз	1971	23 831 621
8	«ЭО-2621В2»	ЕД 34-17	1988	30 024 983
9	«ЭТЦ-165»	ЕД 34-11	1989	74 845 000

автомототранспорт воситалари қўйилди. Талабгорлардан бюртотномаларни қабул қилиш, расмий иш кўнларида мазкур эълон чиққан кундан бошланади ва савдо кунидан 2 (икки) кун аввал соат 18:00да тўхтатилади.

Савдоларда қатнашиш учун бошланғич нархнинг камида 20 фоизи миқдоридеги закалат пули «TOSHKENT UNIVERSAL AUCTIONS SAVDO» МЧЖнинг АТИБ «Ипотек-банк» Шайхонтохур филиалидаги ФА 00425, СТИР 302071274, 2020 8000 7049 2931 8001 ҳисоб рақамига тўланади.

Гувоҳнома №005357

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2015 йил 1 декабрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорикий валюталарнинг сўмга нисбатан қўйидаги қийматини белгилади.')

■ 1 Австралия доллари	1977,01
■ 1 Англия фунт стерлинги	4133,62
■ 1 Дания кронаси	390,43
■ 1 БАА дирхами	748,99
■ 1 АҚШ доллари	2750,43
■ 1 Миср фунти	351,27
■ 1 Исландия кронаси	20,74

■ 1 Канада доллари	2056,09
■ 1 Хитой юани	430,02
■ 1 Россия рубли	41,52
■ 1 Украина гривнаси	115,15
■ 1 Малайзия ринггити	646,10
■ 1 Польша злотийси	682,15
■ 1 СДР	3777,88

■ 1 Туркия лираси	940,06
■ 1 Швейцария франки	2669,28
■ 1 ЕВРО	2927,88
■ 10 Жанубий Корея вонини	23,78
■ 10 Япония иенаси	224,14

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

ТАДБИР

Тўғрилиқ, ҳалоллик —

мамлакат тараққиётининг муҳим омилidir

ИИВ Академиясида коррупцияга қарши кураш масаласига бағишланган илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Олий суд, Бош прокуратура, Давлат солиқ ва Божхона қўмиталари, шунингдек, бир қатор давлат ва жамоат ташкилотлари, таълим муассасалари ҳамда Ички ишлар вазирлиги соҳавий хизматлар вакиллари иштирок этди.



Ички ишлар вазирининг ўринбосари, полковник Алишер Мирзаев конференцияни очар экан, коррупция фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилишига олиб келиши, хавфсизликка таҳдид соладиган иллат эканлиги, мамлакатимизда нафақат коррупцияга қарши курашиш, балки унинг пайдо бўлишига шароит яратадиган ҳолатларни бартараф этишнинг ҳуқуқий механизмлари яратилганлигини таъкидлади.

Тадбирда коррупцияга қарши курашишда идораларaro ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, ушбу йўналишдаги тажрибаларни оммалаштириш борасида фикр алмашилди.

Коррупция давлат ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларида исло-

ҳотларни амалга оширишга тўқинлик қилиши мумкин, — деди Олий суд ҳузуридаги Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот маркази директори ўринбосари Сарвар Арипов. — Бу иллат ҳар қандай мамлакатнинг молиявий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ҳаётига салбий таъсир кўрсатиб, тадбиркорлик ривожини пасайтириб, инвестицион муҳитга зарар етказди.

Шунинг учун ҳам унинг олдини олиш борасида мамлакатимизда комплекс чора-тадбирлар кўришмоқда. Бош прокуратура ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тузилмасида коррупцияга қарши курашиш ҳамда ички хавф-

сизлик бўйича махсус бўлинмалар ташкил этилиб, ҳозирда улар самарали фаолият олиб бормоқда. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан бу борадаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича самарали тизим яратилди. Коррупцияга қарши курашишда муҳим механизм сифатида жиноий даромадларни легаллаштириш ва бошқа коррупциявий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда уларни аниқлашга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида Бош прокуратура ҳузурида Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти ташкил этилди. Шунингдек, коррупцияга қарши курашиш механизмларини янада такомиллаштириш ва бу йўналишдаги комплекс чора-тадбирлар ижросини назорат қилиш мақсадида Бош прокуратура тизимида Қонунчилик ижроси устидан назорат бош бошқармаси фаолияти йўлга қўйилди.

Шунингдек, конференцияда «Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашишнинг қонунчилик асослари: миллий қонунчилик ҳолати ва истиқболдаги вазифалар», «Коррупцияга қарши курашишда хорижий тажриба таҳлили», «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси», «Давлат солиқ хизмати органларида коррупцияга қарши курашиш йўналишлари», «Коррупцияга қарши курашиш ва жамоатчилик фикри» ва бошқа мавзуларда маърузалар тингланди.

Мавзу юзасидан фикр-мулоҳазалар ўртага ташланди.

Раъшон ШОДИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

РЕКЛАМА

«ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ»



акциядорлик компанияси

ТОШКЕНТ ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

юртдошларимизни
Конституциямиз қабул
қилинганлигининг
23 йиллик байрами
билан табриклайди!



Она Ватанимиз ободлиги ва
элимиз фаровонлиги йўлида
амалга ошираётган эзгу ишларига
муваффақиятлар тилайди.



«ТОШКЕНТГАЗТАЪМИНОТ»



унитар корхонаси жамоаси

халқимизни мамлакатимиз

Конституцияси қабул қилинганлигининг
23 йиллиги билан муборакбод этади!

Тилагимиз — мустақил ва обод диёримиз
осмони ҳамиша мусаффо бўлсин!

Она юртимиз равнақи, ёрқин истиқболи
йўлида меҳнат қилаётган барча

ҳамюртларимизнинг
бахти бутун, иқболи
баланд бўлсин!



AVTOSALON «SARDOR AVTO INVEST»



ZAZ Forza
Дв.: 109 л.с.
Бензин / газ



Нива бизнес-пикап, 4X4
Дв.: 80,92 л.с. - бензин / газ



ТУЛОВ ТУРИ: НАҚД, ТЕРМИНАЛ, ПУЛ УЎНАШИШ, КРЕДИТ, ЛИЗИНГ

Манзил: Тошкент ш. Амир Темур шоҳ кўчаси, 110-уй.

Мўлжал: Телевизион минора қаршисида.

Телефонлар: (+998 71) 212-08-70, (+998 95) 177-01-17, (+998 95) 194-34-51.

www.sardor-avto.uz

Маҳсулотлар сертификатланган
Хизматлар лицензияланган

МУАССИС:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla O'RIPOV

Hotamjon KETMONOV

Ulug'bek VAFOYEV

Rustam KAMILOV

Ulug'bek

MUSTAFOYEV

Muslihidin

MUHIDDINOV

Ochilboy RAMATOV

Saidahmad RAHIMOV

Farrux HAMROYEV

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Tat'yana KISTANOVA

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot
agentligida 0006-raqam bilan
2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va
shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini
ko'chirib bosish faqat tahririyat
ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1259
10402
nuxxada
bosildi.
Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'za yakuni — 21.15
Topshirilgan vaqti — 00.50

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:

Alisher RO'ZIYEV

Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633



1 2 3 4 5 6